

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Беглаев Учқун Хуррамович

Тошкент давлат аграр университети

Бизнесни бошқариш кафедраси мудури и.ф.ф.д (PhD)

Саломов Бекзоджон Илхомжон ўгли

Тошкент давлат аграр университети талабаси

Аннотация. Мақолада мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқарув тузулмасини ишлаб чиқишда асосий мезоналрни эътиборга олиш хорижий мамлакатларнинг миллий иқтисодий ҳолатини ривожлантиришда кластерларининг ўрни ҳамда иқтисодий тизимни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ва маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: мева-сабзавот, кластер, бошқарув, тузулма, тизим, услуб, рақамлаштириш, тармоқ, ривожлантириш.

Аннотация. В статье приводятся научно-исследовательские работы и сведения о развитии плодоовощных кластеров и разработке структуры управления, роли кластеров в развитии народнохозяйственного положения зарубежных стран, создании экономической системы. .

Ключевые слова: плодоовощной, кластер, управление, структура, система, метод, цифровизация, сеть, развитие.


Мамлакатимизда кластерларни шаклланиши ва самарали фаолиятини таъминлаш масалаларини ўрганиш ва истиқболда ижобий натижаларга эришиш учун ушбу соҳада хориж мамлакатларида тўпланган тажрибани таҳлил қилиш ва илмий асослаш лозим. Ҳозирги вақтда ривожланган хориж мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, экспорт соҳасида ҳамда ушбу фаолиятларни биргаликда амалга ошириш, яъни агросаноат интеграциясини ташкил этиш бўйича маълум даражада тажриба тўпланган. Аммо, бирон-бир мамлакатнинг тажрибасини шунчаки бизнинг иқтисодиётимизга кўчириб ўтказиб бўлмайди. Чунки, бундай интеграциялашув турли шароитларда турли омиллар таъсирида бўлади ва самара келтиришда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, дунёда инсонлар томонидан етиштирилган мева-сабзавотнинг ярмидан кўпи тўғридан тўғри истеъмол қилиниб келинмоқда. Хитойда – умумий ишлаб чиқаришнинг – 46 фоизи, Ҳиндистонда – 14,47 фоизни, АҚШда – 3,48 фоизни, Туркияда – 2,55 фоизни, Мисрда – 1,93 фоизни ва бошқа мамлакатларда – 31,34 фоизни ташкил этмоқда.¹

Дунё бўйича 2021 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш жаҳон бозорида 290 миллиард долларга баҳоланди. Осиёда 880 миллион тоннага яқин сабзавот етиштирилган бўлса, шундан помидор ишлаб чиқариш дунёда етакчи

¹ <https://www.fao.org/giews/reports/crop-prospects/en/>


сабзавот тури ҳисобланди. 2021 йил статистикаси бўйича биргина Хитой давлатида 594,05 млн.тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, кейинги ўринларда Ҳиндистон, АҚШ, Туркия, Ветнам, Миср каби мамлакатлар сабзавот етиштириш бўйича етакчилик қилиб келмоқда (1-расм). Дунё бўйича етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларини асосий қисмини фермер хўжаликлари ҳамда кластерлар ҳиссасига тўғри келиши, дунё бўйича кластерларга алоҳида эътибор қаратилиши, ривожлантиришга тўла аҳамият берилиши, кластерларнинг замонавий бошқарув усуллари асосида ташкил этилиши, маҳсулот етиштириш кўрсаткичини тез суръатларда ўсишини таъминлаб бермоқда.



1-расм. 2021 йилда дунё мамлакатлари бўйича етиштирилган сабзавот маҳсулотлари ҳажми (млн.тонна)²

Замонавий тракторлар, комбайнлар ва роботлаштирилган машиналар орқали ташкил этилган ақлли деҳқончилик, анъанавий деҳқончиликдаги операцияларни бутунлай ўзгартириши мумкин. 2024 йилга келиб ақлли фермер хўжаликларида дронлар, учувчисиз самолётлар бозори ҳажми 4,8 миллиард АҚШ доллариغا ошди. 2023 йилга келиб Европада экин етиштириш тахминан бир миллиарддан 2,35 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда. Бу эса сабзавот етиштириш ҳажмини қисқа вақт ичида юқори ҳосилдорликка эришиш имконини беради. 2021 йилда дунё мамлакатлари бўйича фермер хўжаликлари ва кластерларда етиштирилган сабзавотлар кесимида помидор (186,92 млн.тонна), пиёз (104,55 млн.тонна), бодринг (61,26 млн.тонна), карам (70,86 млн.тонна), бақлажон (56,62 млн.тонна), қўзиқорин (42,79 млн.тонна), сабзи (40,95 млн.тонна) асосий етиштирилувчи сабзавотлар улушини юқори қисмини эгаллаб келмоқда. (2-расм)

² <https://www.statista.com/studies-and-reports/digital-and-trends>



2-расм. 2021 йилда дунё мамлакатларида сабзавот турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми (млн.тонна)³

Мева маҳсулотларини етиштириш ва уларни сақлаш, қайта ишлаш тизимини жорий этилиши етиштирилган ҳосилни аҳоли талаби бўйича етказиб бериш билан бир қаторда саноатни хом ашё билан таъминлаш имконияти яратилади. Шу боис, ривожланган мамлакатлар мева етиштиришда замонавий инновацион технологияларни киритишни жорий қилиб, ҳар бир гектар майдондан юқори ҳосил олишга эришиш мумкинлигини кўрсатиб бермоқда.

Мамлакатлар статистик маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ақлли қишлоқ хўжалиги, замонавий дронлар, IT бозори ҳажмини 2020 йилдан 2024 йилгача бўлган прогнозни келтириб ўтилган бўлиб унда мевачиликни замонавийлаштиришда ажратилган қиймат 2020 йилда 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2024 йилгача бу кўрсаткич 4,8 миллиард АҚШ долларига ошиши прогноз қилинган.



3-расм. 2021 йилда минтақалар бўйича мева етиштириш (млн. тонна)⁴

Мевачиликда асосий улушини ташкил қилувчи мамлакатлар Осиё (370,89 млн. тонна) қитъасида эканлиги ва умумий ишлаб чиқаришнинг 50 % дан ошқ қисмини эгаллаб туриши бу мамлакатларда қулай иқлим шароити билан бир қаторда мева маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилигини кўрсатиб беради.

³ <https://www.statista.com/studies-and-reports/digital-and-trends>

⁴ <https://www.statista.com/studies-and-reports/digital-and-trends>

Африка қитъасида (91,5 млн.тонна) эса экспортга йўналтирилган тизимнинг яратилганлиги фермер хўжаликлари ва мевачилик кластерларининг асосий даромад манбаи бўлиб ҳисобланади. Кариб денгизи (83,78 млн.тонна), Жанубий Америка (79,92 млн.тонна), Европа (73,67 млн.тонна), Марказий Америка (31,64 млн.тонна), Шимолий Америка (26,95 млн.тонна) мева маҳсулотларини етиштирган бўлиб, бу эса, ўз ҳудудлари бўйича асосий экин турларини жойлаштириш, импорт ҳажмини камайтириш ва экспортга йўналтириш имкониятларини кенг тадбиқ этаётган минтақалар сирасига киради.

Германия қишлоқ хўжалиги 2021 йилда 41,7 миллиард евродан ортиқ маҳсулот сотиб ўз даромадини 2019 йилга нисбатан 0,12 % га ошганини кўриш мумкин. Германия қишлоқ хўжалигининг асосини фермер хўжаликлари ҳамда қайта ишлаш корхоналари (кластерлар) ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, мамлакатда аралаш деҳқончилик, ҳизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчи хўжаликлар сонини кўпайтиришни мақсад қилиб олинган.

Германияда қишлоқ хўжалиги корхоналари сони 1975 йилда 904,7 мингтани ташкил этган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 263,5 мингга камайди. Масалан, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бошқа мамлакатларга сотиш, етказиб бериш, шунингдек, ўрим-йиғим мавсумида бошқа мамлакатлардан ишчиларни ёллаш каби чекловлардан кейин қишлоқ хўжалигининг ўсишига салбий таъсирини кўрсатди. Бошқа томондан, саноат ва технологик тараққиёт аввалги ўн йилликларда жуда кўп меҳнат талаб қиладиган ишни инсоннинг камроқ ўзаро таъсири билан яқунлаш имконини берди. Ўзини-ўзи таъминлашнинг сўнгги йилларда паст даражага тушиб кетиши асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши кузатилди. 2021 йилда Германия 15,25 миллион тоннага яқин янги мева-сабзавотларни импорт қилди.

Статистик маълумотларга кўра, Германияда 2015 йилдан 2021 йилгача мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари сони бўйича ўсиш суръатлари кузатилган бўлиб, 2021 йилда ушбу соҳада 20 дан ортиқ ходимларга эга 265 та корхона ҳисобга олинган (1-жадвал).

1-жадвал

Германияда 2015-2021 йилларда фаолият кўрсатган мева-сабзавотчилик корхоналари⁵

№	Йиллар	Мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари сони
1	2015	170
2	2016	184
3	2017	201
4	2018	229
5	2019	241
6	2020	258
7	2021	265

⁵ <https://www.statista.com>

2021 йилда Германия мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида жами 33542 киши меҳнат қилиб келмоқда. 2021 йилда меваларни қайта ишлаш компаниялари сонини уларнинг маҳсулотлари бўйича тақсимланиб, гилос консервалари ишлаб чиқарадиган жами тўққизта компания қайд этилган.

2021 йилда Германиянинг Бавария штати бошқа федерал штатлар орасида энг кўп қишлоқ хўжалиги корхоналарига эга бўлган штат ҳисобланиб корхоналар сони 83,830 та ташкил этган. Бу эса, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2020-2021 йилларда Германия аҳолисини мева билан ўзини ўзи таъминлаш даражаси 20 фоиз атрофида бўлди, сабзавот билан ўзини ўзи таъминлаш даражаси 37 фоизни ташкил этди, бу эса ички талабни қоплаш учун қўшимча мева-сабзавот маҳсулотлари импорти зарурлигини билдиради. Ички бозорни таъминлаш даражаси 100 фоиздан паст бўлган танқислик ҳолатида маҳсулот импорт қилиш зарур бўлади.

Германия чегарадош мамлакатларга маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи корхоналар асосан мева-сабзавот етказиб бериш билан шуғулланиб келишади. Масалан (<https://www.fresh-market.info/>, <https://www.fruitlogistica.com/en/>, <https://www.idhsustainabletrade.com>) сайтлар орқали корхоналар ўз хизматларини таклиф этади ҳамда соҳага янги рақамли технологияларни кириб келишини таъминлайди. Статистик маълумотларга кўра, 2016 йилдан 2021 йилгача Европа Иттифоқида мева ва сабзавотларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 24,9 миллион тоннага яқин мева (ситрус мевалари ва узумлардан ташқари) ишлаб чиқарилган. 2021 йил озиқ-овқат саноатининг ушбу тармоғи 959 миллион евро атрофида айланмага эга бўлди. Германияда 2021 йилда сабзавот етиштириш корхоналари сони очик майдонларда 5 892 сабзавот етиштириш корхоналари мавжуд бўлиб, асосий экин тури гулқарам, оқ қарам, пиёз ҳисобланади.

Мева-сабзавотчилик соҳасини жадал ривожлантириш ва мамлакат аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлашда органик маҳсулотлар етиштиришни ҳам йўлга қўйилиши Германия қишлоқ хўжалиги органик деҳқончилик соҳасида катта муваффақият қозонди. Органик деҳқончилик кимёвий бўлмаган, табиий ўғитлар ва пеститсидларга таянган ҳолда барқарор усуллардан фойдаланишга қаратилган бўлиб, мамлакатда 35 413 та органик маҳсулот етиштирадиган бизнес корхоналари мавжуд. Бу эса, Германияда бошқарув тизимининг алоҳида соҳалар негизида ташкил этилгани ҳамда давлатнинг қўллаб-қувватлаши орқали эришилган ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мева-сабзавотчилик корхоналарини бошқариш ва уларни ривожлантиришда Германия моделида - кичик фирмаларнинг катта ассоциациялар билан рақобатбардошлигини ошириш учун ўзаро бирлашадилар. Бу эса, ўз навбатида юқори самарадорликка эришишга хизмат қилади. Германияда бошқарув тизимини тўлиқ қамраб оладиган ҳамда фермер хўжалиklarини назорат қилиб борадиган уюшмаларнинг ташкил этилиши соҳа ривожини учун асос бўлиб хизмат қилган. (4-расм)



4-расм. Мева-сабзавот етиштиришнинг Германия модели⁶


Ривожланган хорижий давлатлардан бири Парагвайда ялпи ички маҳсулотдаги қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6%, саноатнинг улуши эса 17,4% ни ташкил этади. Хўжаликнинг асосий тармоқлари: чорвачилик ва деҳқончилик бўлиб, асосий озиқ-овқат экинлари: маккажўхори, помидор, сабзи, шоли, буғдой, батат, шакарқамиш, ловия, цитрус мевалар ва бошқалардир. Экспорт учун тамаки, чой, пахта, кофе, ёнғоқ, соя етиштирилади.

Хитой Халқ Республикаси бугунги кунда дунёда асосий мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда етачилиқ қилиб келмоқда шу билан бирга Хитой қишлоқ хўжалиги 300 миллиондан ортиқ фермерларни иш билан таъминлайдиган муҳим саноат зонаси ҳисобланади. Мева-сабзавот экспорти бўйича биринчи, импорти бўйича эса иккинчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мамлакат аграр соҳада кўплаб соҳаларда илғор бўлиб, инновациялар ва қишлоқ хўжалиги технологияларини фаол равишда тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка эришиш ҳамда аҳоли талабини қондириш мақсадида мамлакатда 2025-йилга қадар деярли барча тоифадаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилишини режалаштириб, улар сифати ва ишончлилиги қишлоқ хўжалигини саноат интеграцияси билан боғлашни асосий мақсад қилиб олинган. Хитойнинг ақлли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори 2019 йилда 13,7 миллиард

⁶ Германия модели асосида муаллиф ишланмаси


доллардан 2022 йилда эса бу кўрсаткич 26,8 миллиард долларга ўсиши кутилмоқда.

Хитойнинг аҳоли жон бошига мева маҳсулотлари истеъмоли 2017 йилда 138 кгни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 152 кгни ташкил этган. (5-расм).



5-расм. Хитой аҳоли жон бошига мева маҳсулотларининг улуши (2012-2021 йиллар)⁷

Сабзавотлар бўйича эса аҳоли жон бошига 2012 йилда 202 кгни ташкил этиб, 2021 йилга келиб 218 кг ни ташкил этган (6-расм).



6-расм. Хитой аҳоли жон бошига сабзавот маҳсулотларининг улуши (2012-2021 йиллар)⁸

Бунда йиллар кесимида аҳоли сонинг ўсиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини кескин ривожланиши натижасида мева маҳсулотларининг экспортга йўналтирилшини таъминлаб берди.

Хитойдаги қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришдаги интеграцион жараёни ҳамда саноат ва савдо корхоналарини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан қўшилиши, аграр ислохотларда кўзда тутилган кўпгина муаммоларни ҳал этишни тезлаштирди: **биринчидан**, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини молиялаштириш учун керакли молиявий манба мавжудлиги. Саноат фаолиятидан тушган маблағнинг анчагина қисми, қишлоқларда ижтимоий муаммоларни ечишга, ҳамда ерга ишлов беришни ва соҳани ривожлантиришга йўналтирилди; **иккинчидан**, саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорни халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш имконини берди; **учинчидан** эса, қишлоқ территориал саноат ишлаб чиқариш фаолияти қишлоқда аҳолининг бўш қисмини иш билан таъминлаш имконини

⁷ The Food and Beverage Market Entry Handbook: China 2018. 314 p

⁸ The Food and Beverage Market Entry Handbook: China 2018. 314 p

берди ва шу билан бирга, аҳолини шаҳарларга кетишини (миграциясини) тўхтатди, натижада эса, мамлакатда ишсизлик даражаси 2 бараварга камайди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларни сотиш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши фермер, деҳқон хўжаликлари учун кенг имкониятлар яратилиб маҳсулот ҳажминининг йиллар кесимида ошишига эришиб келинмоқда.

2-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичларининг ўсиши⁹

Мева ва сабзавотлар тури	Ҳажми млн.т	2017 йил	2021 йил
Олмалар	32.6	2.9%	2.6%
Банан	10.2	0.9%	2.0%
Грейпфрут	2.8	3.1%	2.4%
Узум	6.1	3.1%	1.5%
Апелсин, мандарин	24.2	3.9%	3.2%
Шафтоли / нектар	8.5	1.9%	2.9%
Нок	13.7	3.6%	2.8%
Олхўри	1.5	2.5%	1.7%
Кулупнай	2.7	7.2%	4.4%
Гилос	3.1	9.2%	7.0%
Бошқа мевалар	85.9	5.0%	3.0%
Гулкарам ва брокколи	8	3.8%	3.8%
Маятник	12.6	6.4%	6.4%
Пиёз	23.1	3.7%	3.6%
Помидор	34.9	1.9%	1.8%
Бошқа сабзавотлар	200.8	3.8%	3.5%

Жадвал маълумотларига кўра 2021 йилда мамлакатда мева-сабзавот етиштириш кўрсаткичи сезиларли даражада камайган бўлиб, бунда иқлим ўзгариши аҳолининг демографияси асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Мамлакатда бунинг олдини олиш ҳамда соҳани тубдан ислоҳ қилиш мақсадида ислохотлар хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш имкониятини яратди, яъни кишлоқ иқтисодиёти юксалиши учун чет эл сармояларини жалб қилишга рухсат этилди. Бу эса, ўз навбатида, нафақат хорижий мутахассисларни Хитойга жалб этишга, балки бир вақтнинг ўзида замонавий технологияларни кишлоқ фабрика ва заводларига жалб қилиш имконини берди. Натижада, кооперативлар ва турли ҳажмдаги фирмаларнинг пул ҳисобларида чет эл валютаси пайдо бўлди. Мана шу иқтисодий ислохотлар натижасида, Хитойдаги асосий муаммо - 1 миллиард 300 миллионлик аҳолини озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати товарлари билан таъминлашга эришилди. Озиқ-овқатни истеъмол қилиш даражаси эса, 2 маротабага кўпайди, аммо, кишлоқлардаги деҳқон хонадонларининг салмоғи, аксинча, 8 маротабага камайди. Ҳозирги кунда Хитой аҳолисининг яшаш

⁹ The Food and Beverage Market Entry Handbook: China 2018. 314 p

даражаси ислохотларгача бўлган даврдга қараганда, анча яхшиланди. Хитойда аграр ислохотларнинг энг асосий ва долзарб муаммоси – бу ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ва ундан унумли фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланади. Аграр ислохотларнинг асосий мақсади мавжуд ерларни хусусийлаштириш ёки уларни хусусий мулк шаклига айлантириш эмас, балки аксинча, Хитой Халк Республикаси қонуни бўйича ер ижтимоий мулк шаклида сақланиб қолдирилгандир. Бинобарин, деҳқон жамоа хўжалигидаги ерлар уларнинг жамоа мулки эканлиги ҳамда ер солиғидан озод этилганлиги, шаҳар ва поселкалардаги уй-жойлар жойлашган ерлар эса, давлат мулки ҳисобланади.

Хитой модели бўйича мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда кўплаб етказиб берувчиларнинг интеграциялашган йирик етакчи фирма атрофида шаклланадиган ишлаб чиқариш занжири яратилган бўлиб, бу модел технологик жиҳатдан мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқиришга қаратилади.

Бошқарувда бир тизимда бир нечта компанияларнинг бирлашиши ишлаб чиқаришни тўлиқ қамраб олиши энг самарали усули ҳисобланади.



7-расм. Мева-сабзавот етиштиришнинг Хитой модели¹⁰

Бугунги кунда турли мамлакатларда ташкил этилаётган мева-сабзавотчилик кластерларининг асосий хусусияти мавжуд бўлиб, булар асосида кластерлар фаолиятини энг асосий ихтисослашув белгилаб беради. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборатдир:

- биринчи хусусият - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий ихтисослашув ва маҳаллийлаштиришни амалга ошириш – тармоқнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар;

¹⁰ Хитой модели асосида муаллиф ишланмаси

- иккинчи хусусият - кластерлар таркибида турли тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ўзаро алоқаларнинг шаклланиши;

- учинчи хусусият – кластерларнинг самарадолигини оширишда хизмат кўрсатиш, бозор рақобати ҳамда молиявий принципларнинг бир ташкилот негизида шаклланиши.

Ҳозирги вақтда хориж мамлакатларида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кластерларнинг маркази узоқ муддатли стратегик ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар, илмий-тадқиқот муассасалари, турли хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари, маҳсулотларни сотиш ҳамда маркетинг хизматини ўз атрафида бирлаштирган қайта ишловчи корхоналар бўлиши мумкин. Мева-сабзавотчилик тармоғида кластерларни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири бу интеграциялашув жараёнида қатнашувчи иқтисодиёт субъектларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади.

Бундай ҳамкорлик, яъни кластерлар таркибида фаолият юритиш шакли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бошқа шаклларига қараганда бир қатор афзалликларга эгадир. Кластерларнинг фаолиятидаги иқтисодий механизмнинг мосланувчан характери қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни бозор иқтисодиётининг юқори суръатларда ўзгарувчан шароитларига тезликда мослашиш имкониятини беради. Шу сабабли, турли мамлакатларда кластерларни шаклланиш жараёни жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавот йўналишидаги агрокластерларни ташкил этишда хориж мамлакатларидаги бу каби ижобий натижалардан фойдаланилса самараси янада юқорироқ бўлишига эришиш мумкин.

3-жадвал

Республикамизда мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ривожлантиришда хорижий тажрибаларни қўллашнинг муҳим жиҳатлари

№	Хорижий тажрибалар таҳлили	Хорижий тажрибаларни мамлакатимизда қўллашнинг муҳим жиҳатлари
1	<p>Германия - мева-сабзавот маҳсулотларини реализация қилишда замонавий онлайн бозорларни ташкил этган воситачи корхоналарнинг мавжудлиги Масалан (https://www.fresh-market.info/, https://www.fruitlogistica.com/en/, https://www.idhsustainabletrade.com) сайтлар орқали корхоналар ўз хизматларини тақлиф этади;</p>	<p>- кластерлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдаги қулайликлар ва маҳсулотларни жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги таъминлаш мақсадида мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини рақамлаштириш онлайн бозорларни ташкил этиш, ҳудудлар кесимида жорий этиш лозим. Натижада маҳсулот экспорт ҳажми ортади ва шу билан бирга соҳада рақамли технологияларни олиб киришни кенг жалб этиш мумкин бўлиб ҳисобланади;</p>

	<p>-мева-сабзавотчиликда органик маҳсулотлар етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер, деҳқон хўжаликлари учун органик маҳсулотлар назоратини олиб борувчи уюшмалар ташкил этилганлиги.</p>	<p>- ушбу жиҳатни қўллаш натижасида аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган органик соф мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни сотишдан тушадиган даромаднинг кимёвий ва минерал воситалар орқали етиштирилган маҳсулот даромадидан юқори бўлишига эришилади.</p>
<p>2</p>	<p>Парагвай - мева-сабзавотчилик тармоғининг ҳар бир йўналиши бўйича кластер корхоналарини алоҳида ташкил этилганлиги; - етиштириладиган ҳосил майдонлари ва сақлаш, қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги масофа узок бўлмаслиги.</p>	<p>- мамлакатда аҳоли сонинг кескин ортиб бориши албатта озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ошишига олиб келади натижада алоҳида йўналишдаги мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш ва етиштирилган маҳсулотлардан қайта ишлаш эвазига турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарилади ва аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган талаби қондирилади; - мева-сабзавот етиштириладиган майдонлар ва маҳсулотни қайта ишлаш объектлари ўртасидаги масофанинг яқин бўлиши ҳар томонлама қулай ва самарали бўлишини кўрсатади. Хусусан маҳсулотни даладан йиғиб олиб уни қайта ишлаш линиясига етказиб беришдаги харажатларнинг қисқариши ва вақт йўқотишларини олдини олиш ҳамда маҳсулот сифатини бузилишини олдини олиш каби ижобий жиҳатларни ўз ичига олади.</p>
<p>3</p>	<p>Хитой - қишлоқ хўжалигини саноат интеграцияси билан боғлаш; - деҳқон жамоа хўжалигидаги ерлар жамоа мулки сифатида қаралиши ҳамда ер солғидан озод этилганлиги</p>	<p>- мамлакатимизда фермер, деҳқон хўжаликлари, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда саноат корхоналари ўртасида интеграцияни қўллаш муҳим аҳамият касб этади бу усулдан мамлакатимизда фойдаланилса юқори самарага эришиш имконини беради. - мамлакатимиз иқлим шароитидан келиб чиқиб мева-сабзавотчилик кластерлари учун имтиёзли даврлар яратиб бериш Хитой тажрибасини қўллаш соҳани яна бир бор қўллаб қувватлашнинг янгича талқини бўлиб ҳисобланади. Бу тажрибани мамлакатимиз ҳудудлари кесимида олиб борилишини йўлга қўйишимиз лозим.</p>

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан барча тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишига ва самарадорлигига боғлиқдир. Бу соҳалар қатори мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик тармоғининг ривожланиши ҳам иқтисодиёт ривожига ва аҳолининг турмуш даражасининг юксалишига катта таъсир кўрсатади. Мева-сабзавотчилик тармоғининг бундан кейинги ривожланиши тармоқда кластерларни ташкил этиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйишга боғлиқдир. Ушбу диссертация ишида бу тармоқда самарали кластерларни ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва бу тадқиқотлар натижаси сифатида мева-сабзавотчилик тармоғида самарали кластерларни шакллантириш учун қуйидаги йўналишларни таклиф қиламиз:

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мева-сабзавотчилик тармоғининг бугунги кундаги ҳолати, роли ва салмоғининг йилдан-йилга ошиб бориши, ривожлантирилиши ва самарадорлигини ошириш учун фермер, деҳқон хўжаликлари, кластер фаолиятини рағбатлантириш ҳамда хорижий тажрибаларнинг айрим жиҳатларини ҳам Ўзбекистонда жорий этиш кераклиги илмий-амалий жиҳатдан асосланди. Бунинг учун қуйидагиларга:

- мева-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликлар, кластерлар фаолиятида моддий-техник базасини яхшилаш, маҳсулот сотиш, етказиб бериш, меҳнатга ҳақ тўлашда муаммоларни ҳал этиш;

- маҳсулотни сотишда муаммо юзага келган тақдирда, бозор талабини камайиб бериш хавфини барҳам топтириш;

- мева-сабзавотчилик кластерларининг реал даромадларини оширишга, шунингдек, шартномалар асосида маҳсулот етиштириш;

- аҳоли учун муҳим бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам бериш.

Мева-сабзавотчилик кластерларини ҳамкорликда бошқариш нафақат кластерлар фаолиятини яхшилайдди, шу билан бирга, соҳага бевосита ва билвосита алоқадор бўлган корхоналар ривожланишини ҳам таъминлаш мақсадга мувофиқ деб топилди ва соҳада мева-сабзавот маҳсулотларини чиқимсиз етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни сотиш таъминланади.

Мева-сабзавотчилик кластерлари фаолияти таҳлил этилди ва гуруҳлаш усули ёрдамида қуйидаги хулосалар олинди:

биринчидан, мева-сабзавотчилик кластерлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турлари қанча кўп бўлса, шунча кўп даромад олишга эришган. Шу сабабли кластерлар фаолиятида юқори фойда олишга интилган;

иккинчидан эса, кластерларнинг соҳалар бўйича ихтисослашуви юқори даромад олишга таъсир этган;

учинчидан, мева-сабзавотчилик кластерларида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларнинг сифати ва товарлилик даражаси қанча юқори бўлса, даромади ўртача 20 % га ошган;

тўртинчидан, қанчалик инфратузилма объектлари билан самарали алоқа қилинса, кластер хўжалиги даромадининг ошишига шунча таъсир қилган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз иқлим шароитига мос йўналишларини белгилаш ҳамда Германия, Хитой, Парагвай моделларини мева-

сабзавотчилик кластерларида қўллашни бўйича таққослама таҳлил ишлаб чиқилди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Rahmatov M.A., Zaripov B.Z. Klaster – integrasiya, innovasiya va iqtisodiy o‘shish. Risola. T.: “Zamin Nashr” nashriyoti, 2018-y.
2. Ergashev R.Kh., Khamraeva S.N., Fayzieva Sh.Sh. Innovative development of agricultural infrastructure: problems and ways of its achievement // The phenomenon of market economy: from the origins to the present day. Partnership in the face of risk and uncertainty. – 2020
3. "Clusters and Regional Development: Critical Reflections and Explorations" edited by Björn Asheim, et al.
4. "Food Processing in Germany: Industry Report" by Euromonitor International
5. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti: Darslik / R.X.Ergashev, Sh.Sh.Fayziyeva, S.N.Xamrayeva; – T.: —Iqtisod-Moliya, 2018.
6. The Food and Beverage Market Entry Handbook: China 2018. 314 p
7. Porter, M. 1998. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. Available at: <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>
8. <https://www.statista.com/studies-and-reports/digital-and-trends>
9. <https://www.fao.org/giews/reports/crop-prospects/en/>
10. <https://www.bmel-statistik.de/>